

MINISTRY OF CULTURE OF UZBEKISTAN  
FERGANA REGIONAL BRANCH OF UZBEKISTAN  
STATE INSTITUTE OF ARTS AND CULTURE

# ORIENTAL ART AND CULTURE

ISSN 2181-063X  
SCIENTIFIC  
METHODICAL  
JOURNAL  
VOLUME 3 ISSUE 4  
DECEMBER 2022

KOKAND

MINISTRY OF CULTURE OF UZBEKISTAN  
FERGANA REGIONAL BRANCH OF UZBEKISTAN STATE INSTITUTE OF  
ART AND CULTURE

# ORIENTAL ART AND CULTURE

ISSN 2181-063X  
SCIENTIFIC METHODICAL JOURNAL  
VOLUME 3 ISSUE 4 / DECEMBER 2022

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi Huzuridagi Oliy attestatsiya komissiyasi Rayosatining 2021 yil 31 iyuldag'i №303/6-sonli qaroriga asosan "Oriental Art and Culture" ilmiy-metodik elektron jurnali San'atshunoslik fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD) va fan doktori (DSc) ilmiy darajasiga talabgorlarning dissertatsiya ishlari yuzasidan dissertatsiyalari asosiy ilmiy natijalarini chop etish uchun tavsiya etiladigan ilmiy nashrlar ro'yxatiga kiritilgan.



KOKAND

## МАКТАБГАЧА ЁШ ЎҚУВЧИЛАРДА АХЛОҚИЙ-МАДАНИЙ СИФАТЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ПСИХОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

Дилноза Қодирова

Бухоро давлат университети

**Аннотация:** Ушбу мақолада кичик мактаб ёши ўқувчиларида ахлоқий-маданий сифатларни шакллантириш ва бу орқали уларнинг билим даражасини такомиллаштиришнинг психологик аспектлари ҳакида сўз боради.

**Калит сўзлар:** ахлоқ, маданий сифатлар, маънавият, эътиқод, хулқ, мотив, индивидул тузилиш, билиш жараёнлари, ироди, конструктив хулқ-автор.

### SPECIFIC PSYCHOLOGICAL ASPECTS OF THE FORMATION OF MORAL-CULTURAL QUALITIES IN YOUNG SCHOOL STUDENTS

Dilnoza Kadirova

Bukhara State University

**Abstract:** In this article, we will talk about the psychological aspects of the formation of moral and cultural qualities in junior school age students and through this, the improvement of their level of knowledge.

**Keywords:** morality, cultural attributes, spirituality, behavior, motivation, individual structure, cognition processes, will, constructive behavior.

*Мавзунинг долзарбилиги.* Шахснинг маънавий-ахлоқий маданиятини шакллантиришга кўйиладиган ҳозирги замон талабларини амалга ошириш муаммолари динамик характеристика эга бўлиб, ижтимоий тузум тараққиёти билан боғлиқдир. Бу муаммони фалсафа, этнография, этика, эстетика фанлари тадқик этади.

Маданият шахс камолотига моддий (техника, ишлаб чиқариш тажрибаси, моддий бойликлар) ва маънавий (фан, адабиёт, санъат, маориф, дин, умуминсоний ва миллий маънавий-рухий қадриятлар) жиҳатдан таъсири этади. Моддий ва маънавий маданиятни унинг маънавий маданияти таъсисиз, инсон онги ва фаолиятидан ташқари яратилмайди.

Моддий ва маънавий маданиятнинг ўзаро алоқаси ва ўзаро таъсири натижасида аклан етук, ахлоқан яхлит шаклланган шахс таркиб топади. Инсон бирор моддий бойлик яратар экан, аввало, унинг курилиши, ишлаб чиқариш

жараёни ва таълим-тарбиявий натижасини ўз онгига тасаввур этади, амалий аҳамиятини олдиндан кўра билади.

Шахс ташки олам, воқеа ва ҳодисаларни ақл, идрок руҳий ҳолат, ички кайфиятлар орқали қабул килиб олиши жараёнида маънавий маданият ташкил топади. Юксак маънавий маданиятли инсонда ватанга муҳаббат, самимий дўстлик, инсонпарварлик, меҳнатсеварлик, мустаҳкам эътиқод, иймон, нафосат, ахлоқий маданият сингари фазилатлар мужассамлашади. Унинг сифат даражаси кишиларнинг умуминсоний ва миллий қадриятларга ҳалқнинг маънавий меросига бўлган муносабатларида намоён бўлади. Маънавий-ахлоқий маданиятнинг негизи ҳисобланган умуминсоний ва миллий қадриятлар шахснинг ижтимоий тузумига муносабати, турли маърифий-маданий ғоялар, тушунчалар, қарашлар, тасаввурлар тизимининг маҳсулидир. Маънавий-ахлоқий маданиятнинг моҳиятини намоён этувчи объект шахс ҳисобланади. Шахс сифатида шаклланадиган ўкувчининг маънавий камолотида ахлоқий маданиятнинг аҳамияти бениҳоя катта.

Бугунги ёшларда замонамизнинг энг машҳур (ижобий маънода) кишиларига ўхшашлик хоҳишини туғдирадиган ижобий намунанинг тарбиявий кучи ўкувчиларнинг (болаларнинг) таклид қилишга мойиллигига асосланганандир. Ёшлар, кўпинча, ота-оналарига, маълум бир ижобий ютукларга эришган кариндошларига, ўқитувчиларига ва машҳур қаҳрамонларга таклид киладилар. Турли ёшдаги болаларга таклид қилишга мойиллик турлича бўади. Масалан, кичик ёшдаги болалар ижобий намунага ҳам, салбий намунага ҳам барабаравар таклид килаверади. Бунинг сабаби уларнинг турмуш тажрибасининг жуда камлиги, ирова кучининг ниҳоятда заифлиги, ҳиссиятларининг ақлидрокидан устун туришидадир. Уларда таҳдил қилиш ва ҳаракатларга танқидий кўз билан караб баҳо бериш хислатлари ҳали шаклланмаган бўади. Болалар улғайиб борган сари ўз теварак-атрофидаги катта ёшдаги кишиларнинг ҳатти - ҳаракатларига тобора танқидий назар билан қарайдиган бўадилар. Шу ёшдаги болалар ўз нуктаи назарларидан таклид қилишга арзигулик деб билган кишиларнингина ўзлари учун намуна деб биладилар ва уларга эътиқод кўядилар.

Ўкувчиларда таркиб топтириладиган маънавий-ахлоқий сифатлар ахлоқий онг билан ҳатти - ҳаракат ўртасида бирлик бўишини тақозо қиласди. Бунинг маъноси шуки, ҳаққонийлиги ўкувчиларга кунмакун уқтириб борилган ахлоқий-маънавий тушунчалар уларнинг ҳатти - ҳаракатларида ҳам, улар катнашган жамоадаги ўзаро муносабатларда ҳам карор топмоғи лозим. Ўкувчиларнинг маънавий-ахлоқий тушунчалари факат дарс жараёнидагина эмас, балки кундалик турмушда ҳам синовлардан ўтиб шакллана боради. Шунинг учун таълим-тарбия жараёнида шундай шароит яратмоқ керакки, ўкувчилар сабот-матонат, қунт, ташаббускорлик, чидам кўрсата оладиган, қиласидиган ишларнинг жамият ва

ватаң учун зарурлигини қалдан тушунадиган бўсинлар. Ўкувчиларга бериладиган билимлар мажмуи, шубҳасиз, жуда катта тарбиявий кучга эгадир. Ўкувчиларда чинакам илмий дунёқараш асосларини яратишда, тўғри хукм юритиш қобилиятини тарбиялашда маънавий-аҳлоқий сифатларга таяниб иш кўрилади.

Жамиятда юз берайдиган жиддий ва чукур ўзгаришлар ўкувчилар шахсиятида ҳам акс этади. Энди унинг эҳтиёжлари билим олиш билангина чекланмайди. Турли ахборот тизимлари, жумладан, интернетнинг шиддат билан ривожланиши бошка манбалардан кўплаб ахборотларни олиш имконини бермокда. Бу манбалардан олинаётган ахборотлар ҳар доим ҳам ўкувчи маънавиятига ижобий таъсир қиласермайди. Улар орасида ёшлар маънавиятига салбий таъсир ўтказадиган, бузгунчи ва вайронкор ғояларни ташувчилари ҳам анчагина. Шуни ҳисобга олинса, ўкувчини маънавий жиҳатдан юксалтириш энг муҳим вазифалардан бирига айланадиган аён бўлади. Баён қилинган мана шу ҳолатлар ўкувчининг маънавий-аҳлоқий ривожланишига каратилган дастур ишлаб чиқиш заруратини туғдиради. Мазкур дастурни ишлаб чиқиш ўкувчиларнинг маънавий-аҳлоқий жиҳатдан такомиллаштиришни ўкув жараёнининг максад ва воситаларини ўкувчи ва ўқитувчиларнинг онгини ўзгартирмай туриб амалга ошириш мумкин эмас, деган фикрга асосланади.

Дастур ўкувчиларнинг маънавий-аҳлоқий ўсиши учун энг самарали усусларни, восита, максад ва вазифаларни босқичма-босқич англаш ва амалга оширишга асосланган. Дастурнинг максади ўкувчиларда ҳар қандай ижтимоий вазиятни таҳдил қилиш, маънавий-аҳлоқий қадриятлар асосида карор қабул қилиш кўникмаларини ривожлантириш, шунингдек, ўзи қабул қилган карор асосида ўзини намоён қилиш қобилиятини такомиллаштиришдан иборат.

Ўкув фаолияти жараённида маънавий-аҳлоқий ривожланиш дастури

Максадлар	вазифалар	усуслар	Воситалар
1- босқич			
Маънавий-аҳлоқий қадриятлар тўғрисидаги тасавурларни шакллантириш ва ривожлантириш	Нуткни ривожлантириш; Харакатлар режасини тузиш кўникмасини шакллантириш ва ривожлантириш; Тушунчаларни шакллантириш ва ривожлантириш.	Риторик машклар; Таянч схемаларни тузиш; Илмий тушунчаларни шакллантириш ва таҳдил қилиш.	Предмет бўйича ўкув материаллари.
2 босқич			

Манъавий-аҳлоқий қадриятлар асосида ҳулк-авторнинг конструктив мотивациясини ривожлантириш.	Манъавий-аҳлоқий қадриятлар асосида шахсий хулоса қилиш кўникмасини шакллантириш. Шахсий фикрини далиллаш кўникмасини ривожлантириш. Манъавий-аҳлоқий ҳулк-авторнинг конструктив мотивларини шакллантириш.	Муаммоли вазиятларни тахлил қилиш. Сухбат, муноазара, диспутлар.	Назарий машғулотлар.
3 боскич			
Манъавий-аҳлоқий қадриятлар асосида ўзлигини намоён қилиш қобиялиятини ривожлантириш.	- ҳулк-авторнинг маънавий-аҳлоқий мотивларини рӯёбга чикариш кўникмасини шакллантириш. - конструктив ҳулк-авторни шакллантириш бўйича машқлар. - маънавий-аҳлоқий ривожланиш жаарёни рефлексияси. - ирода сифатларини ривожлантириш заруратини англаш.	- шахсий ўсишининг инидивидуал дастурини тузиш. - хизмат ўйинлари, тренинг элементлари. - ўзини-ўзи тахли қилиш бўйича кундаки юритиши (амалдаги ҳулк-авторни маънавий-аҳлоқий ривожланиш максадлари, вазифаларига киёслаб тахлил қилиш.)	Амалий машғулотлар ва мустакил ишлар

Мазкур дастурнинг дастлабки боскичида ўкувчилардаги манъавий-аҳлоқий қадриятлар тўғрисидаги тасаввурларнинг шаклланиши ва ривожланиши учун максимал даражада кўмаклашадиган шароит яратиш зарур. Ўсмирлик даврида когнитив жараёнлар, энг аввало, тафаккурнинг шаклланиши якунланади. Шу даврда тафаккур нутқ билан узил-кесил бирикади, бунинг натижасида тафаккур ва бошқа билиш жараёнларини ташкил қилишда асосий восита бўлган ички нутқ шаклланиши якунланади. Шу жараёнда тўлаконли назарий тафаккур шаклланади. Шу билан бирга шахс илмий дунёқарашининг асоси бўлган илмий тушунчаларнинг шаклланиши фаол давом этади. Шу даврда мулоҳаза мантиқига асосланган тушунчалар билан қилинадиган операциялар ва аклий ҳаракатлар шакллари узил-кесил тугалланади. Бу жараёнларнинг барчасини уч йўналиш

бўйича тезлатиш мукмин: тафаккурнинг тушунчалар таркиби, нутқ интеллекти ва харакатнинг ички режаси. Шунинг учун хам манъавий-аҳлоқий қадриятлар ҳақидаги тасаввурларни шакллантириш ва кенгайтириш бўйича вазифалар нутқ интеллекти, харакатнинг ички режаси ва тушунчалар аппаратини ривожлантиришга қаратилган.

*Хулоса.* Бир сўз билан айтганда, маънавият тарбияси баркамол шахсни тарбиялашдаги асосий омиллардан бири бўлиб, шахсни ҳар томонлама гармоник тарбиялашга замин яратади. Бирок, инсонни камолга етказишда ҳар бир шахсга ўзига хос муносабатда бўлиш таълим-тарбиянинг асосий тамоилилари эканлигини унутмаслигимиз лозим.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – Б. 14.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008.
3. Ананьев Б.Г. О психологических аспектах социализации. – Минск: Издво “Университетское”, 2001.-321 с.
4. Бесова А.К. Духовно-нравственное воспитание личности в процессе литературного образования учащихся: Дис. ...канд. психол. наук. - М., 2000. - 176 с.
5. Кодирова, Д. М. (2022). Мактабгача ёши ўкувчиларида шахсий сифатларни шакллантиришнинг психологик жиҳатлари. Science and Education, 3(5), 1346-1351.
6. Murtazoevna, K. D. (2022). PSYCHOCORRECTIONAL METHODS OF FORMING RELATIONSHIPS WITH CONFLICT ADOLESCENTS IN THE WORK OF SCHOOL PSYCHOLOGISTS. ResearchJet Journal of Analysis and Inventions, 3(03), 23-28.
7. Izatovna T. S. Theoretical and Scientific Approach to the Psychology of Adolescent Twins in the Process of Social Adaptation //CENTRAL ASIAN JOURNAL OF SOCIAL SCIENCES AND HISTORY. – 2022. – Т. 3. – №. 2. – С. 51-57.
8. Izatovna, T. S. (2021). PSYCHOLOGICAL APPROACHES OF PARENTS IN THE UPBRINGING OF TWINS IN UZBEK FAMILIES. ResearchJet Journal of Analysis and Inventions, 2(05), 82-87.
9. Risnawati, W. I., Astuti, M., Shaxlo, T., Dilafruz, I., & Dilnoza, K. Effect of Work Conflict, Work Stress and Satisfactionworking on Employee Erformance at PT. Federal International Financegroup (FIF-Group) Sidoarjo. International Journal on Economics, Finance and Sustainable Development, 4(4), 69-80.

